

УДК: 616.24-002.2-07-036.12-079.1+612.013+351.755.253+616-008.9

**ЎПКАЛАР СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ ВА РЕСТРУКТИВ КАСАЛЛИКЛАРИДА
БРОНХЛАРНИНГ ЁШГА ДОИР МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

Эшбаев Эркин Абдухалимович

*Тошкент тиббиёт академияси, патологик анатомия кафедраси доценти,
тиббиёт фанлари доктори*

Шакиров Сардор Абдусаминович

*Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, факултет декани, Тиббиёт
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.в.б.доцент*

Дехконов Алишер Абдукаюмович

*Фаргона вилоят Фтизиатрия ва Пульмонология маркази,
ўпка жаррохлик бўлим мудири*

Аннотация: Ўпкаларни обструктив ва реструктив касалликларини ёшга доир бронх дарахтларида, кескин деформация ва қалинлашган ўчоқларнинг бўлиши, калциноз, бронхосклероз, панбронхит ва бронхоэктатик ўзгариш-ларнинг бўлиши билан характерланади. Ўрта ва майда калибрли бронхлар атрофида лимфогистиоцитар инфильтрация ўчоқлари аниқланади. Асосан алвеоляр деворларда фиброз ва склерозга учраган ўчоқларнинг бўлиши билан характерланади. Ўпка тўқимасини илдизига яқин ва йирик бронхлар атрофида лимфостаз ва лимфангиоэктазия ўчоқларининг бўлиши билан намоён бўлиши аниқланади.

Калит сўзлар: Обструктив ва реструктив касаллик, ўпка тўқимаси, бронх, эмфизема, ателектаз, дистелектаз, морфология.

Муаммонинг долзарблиги: Дунёда ўлимга олиб келувчи 10 талик касалликлар структурасида ўпкаларни обструктив ва реструктив касаллари учинчи ўринда туради. Дунё аҳолисининг тахминан 6% айнан ўпкаларни обструктив ва реструктив касалликларидан вафот этиб, энг юқори кўрсаткич 2021 йилда ковид 19 пандемиясида 11% га етгани кузатилди. Бу касаллик билан асосан ривожланаётган давлатлар аҳолиси касалланди. АҚШ ва Евроиттифоқ давлатлари фуқароларининг жами 1-3% аҳолисида ўпкаларни обструктив касаллари учраса, Туркия, Канада, Австралия ва бошқа давлатларда бу кўрестак 2-3,6%ни ташкил этади. Россия федерацияси да бу кўрестак 6% ни ташкил этса, МДХ давлатларида 11% гачам учрайди.

Ўрта Осиё давлатларида жами йилига ўртача, ўпкаларни обструктив касалликларидан 411 мингта киши вафот этади. Жумладан мамлақатимизда ўртача, йилига ўпкаларни обструктив касалликларидан 111 мингта киши вафот этади. Бу эса, муаммони айни пайтда долзарблигини англатади. Асосий, вафот этадиган контингент эркаклар бўлиб, доимий равишда юрак ишемик касаллиги, цереброваскуляр касалликлар билан биргаликда қўшилиб келиб, дунё бўйича хар йили ўртача 2,5 млн инсон вафот этади (Е.И. Шмелев 2020).

Бутун дунё бўйича ўпкаларни обструктив касалликлари ассоциациялари ташкил этилган, АҚШ 1991 GOLD жамиятига асос солинган, Англия 1997, Россия федерацияси 1995 йилда ва бошқалар. 55 ёшдан ўтган эркакларни жами 10% да сурункали обструктив касалликлар аниқланган. Бу эса, муаммони тўлиқ ўрганилмаганлиги эмас, балки кўп учрашида даволовчи врачлар томонидан ўтказиб юбориладиган холатларни морфологик жиҳатларини текшириш орқали проспектив башоратлаш имконини берадиган амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Мамлақатимизда йилига

ЭКОНОМИКА И НАУКА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. РАЗВИТИЕ НОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ

Ўпкаларни обструктив касалликларини даволаш учун профилактика санаторияларга ўртача 462 млрд сўм ажратилади.

Бу эса, давлатни иштимой иқтисодий жихатдан бюджетни йўқотилишига олиб келаяпти. Муаммони долзарблиги ҳам ушбу мавхумликни ечимини топиш ва давлат бюджетидан кетадиган сарф харажатларини камайтиришга, жамиятни бўғими бўлган инсонларда ўлим кўрстакичини пасайтиришдан иборатдир.

Тадқиқот мақсади: Ўпкаларни обструктив касалликларида ёшга ва жинсга доир морфологик хос жихатларини ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

45-50, 51-60, 61-70 ёшли контингентда ўпкаларни обструктив касалликларидан вафот этганлар эркак ва аёл жинслилар касаллик тарихи бўйича клиник анамнестик маълумотларини ёшга доир маълумотларини статистик таҳлил қилиш;

Ўпкаларни обструктив касалликларида ўпка бронх тўқимасини ёшга доир морфологик ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

Натижа ва муҳокама .

45-50 ёшли контингентларда асосан организмнинг реактивлиги ва динамик ҳаёт фаолиятини инобатга олиб, ўпкалардаги доимий респиратор аэрация жараёни фаоллигини инобатга олган ҳолда сурункали бронхитни асосан эндобронхит, мезобронхит кўринишида кечиши, мушак ва тоғай тўқималарига кескин таъсир этмаслиги оқибатида, ўпкаларнинг обструктив ва реструктив касалликларида ёшга боғлиқ 44-ёшдагиларда кескин ўзгаришлар бўлмасдан, балки эндобронхит ва мезобронхит кўринишидаги сурункали яллиғланиш инфилтратларининг бўлиши билан характерланганлиги аниқланди.

51-60 ёшли беморлар контингентда асосан, аэрация жараёнини нисбатан ўрта фаол кўринишда бўлиши, ўпкалар тириклик сифимини олдинги гуруҳ контингентига нисбатан камайганлиги ва ёшга доир жихатлари бўйича, ўпкаларнинг 2,6,7,8,9,10 сегментларида гипоаэрациянинг ривожланиши, устига устак сурункали яллиғланиш, бронхларни деформацияси, бронх деворларининг нотекис қалинлашганлиги, калциноз ўчоқларининг бўлиши, пневмосклероз ва майда калибрли томирларда ўртача тўлақонлик белгилари аниқланди. БАЛТ тузилмаласида гиперплазия ўчоқларининг бўлиши билан характерланди.

Ёшга доир 61-70 ёшли контингентда ўпкалар аэрацияси олдинги гуруҳларга нисбатан камайганлиги, сурункали бронхитни ривожланиши оқибатида, эндо, мезо, панбронхит кўринишида юзага келиши, бронх деворлари барча қаватларининг атрофик, склеротик ўзгаришларига олиб келиши билан бирга, обструктив ва рестриктив касалликларида ўпкаларнинг массив дистелектази, эмфизематоз кенгайган ўчоқларнинг бўлиши, алвеоляр деворларнинг массив юпкалашиши, майда бронхларнинг бочкасимон кенгайиши, бронхоэктазия, сурункали яллиғланиш ўчоқларининг бўлиши, перинбронхиал сохаларда склероз ва калциноз ўчоқларининг бўлиши билан характерланади.